



ТОШКЕНТ ОҚШОМЖИ

ШАХАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСİY
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 89 (9.433) 2000 йил 28 июль, жума

Сотувда эркин нархда

ЯРИМ ЙИЛЛИК САРҲИСОБИ

КЕЧА

Тошкент шаҳар ҳокимида 2000 йилнинг биринчи ярмида Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришига бағишланган йилгилик бўлиб ўтди.

Йилгиликни Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов олиб борди ва асосий масала юзасидан маъруза қилди. Пойтахтда жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётда эркинлаштириш, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган ислохотлар давом эттирилганлиги ва бу ишларда асосий эътибор саноатда таркибий ўзгаришларга, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, пойтахт экспорт салоҳиятини ошириш, Тошкентнинг янада кўрам ва обод бўлиши, аҳолини ишончли ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар давом эттирилди. Хусусан, ўтган олти ой мобайнида 111,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ярим йилликда 107,3 миллиард сўмлик даромад олинди ва режа 104,9 фоизга bajarилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, нафақалар тўлаш учун 902,4 миллион сўм маблағ сарфланди.

Биринчи ярим йил яқунлари таҳлил этилиши билан бирга ислохотларни амалга оширишда айрим соҳаларда ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда жиддий хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Жумладан, айрим қорхоналар раҳбарларининг бозор талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, рақобатбардор, хорижийнинг ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш масалаларига маъсулиятсизлик билан қараётганликларига сабабли пойтахтдаги фақатгина 40 та қорхонада атиги 78 хил маҳсулот чиқарилган. Баъзи қорхоналарда 640 миллион сўмлик янги дастгоҳлар ўрнатилмай қолганлиги кечириб бўлмас ҳолдир. Шу билан бирга ҳўжалик оқибатида ўтган беш ой мобайнида 55 та қорхона 3,3 миллиард сўмлик зарар кўрди, ҳўжалик суди қарорига асосан 833 та қорхона, шу жумладан 62 та ҳиссадорлик жамиятлари банкрот деб эълон қилинди. Йилгиликда қорхоналарнинг акцияларни сотиш борасидаги ишлари ҳам қониқарсиз аҳволда эканлиги, шунингдек хорижий инвесторлар билан иш олиб борилмаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Тўқизта қорхонага санация имконияти берилди, шу орқали «Тошкент тўқимачилик комбинати» ва «Тола» ҳиссадорлик жамиятлари бугунги кунда ўз молиявий-ҳўжалик фаолиятларини барқарорлаштирилди. «Тошкент машинасозлик қорхонаси» ва «Кундуз» ҳиссадорлик жамиятларининг моддий ба-

засини тиклаш учун ташқи бoshқарувчилар тайинланди.

Ҳисобот даврида қорхоналарнинг экспорт салоҳияти мустақамланди: 373 миллионлик экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилги давр билан солиштирилганда 67 миллион долларга кўнди. Баъзи қорхоналар ўз молиявий ҳолатларини ушбу истиқболли йўналишни ривожлантириш ҳисобида яшилш юзасидан мавжуд имкониятларни бой бермоқдалар. Шулар қаторига «Фотон» ва «Оникс» ҳиссадорлик жамиятлари, «Сергелимбель», «Ўзбекмбель», «Супертекстиль», «Алгоритм», «Асбосоз» қорхоналари ҳам қиради.

Йилгиликда нафақат ҳиссадорлик жамиятларининг раҳбарлари, балки хусусийлаштирилган қорхоналарнинг кузатув кенгашлари раисларининг ҳам фаолиятсизлигини таъкидлаган маърузачи ушбу муҳим муаммоларнинг ечимидан туманларнинг ҳокимлари ҳам четда қолаётганини айтиб ўтди.

Кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Пойтахтда ҳозирги кунда 29500 та кичик ва ўрта бизнес қорхоналари рўйхатга олинди, уларда 107,5 миң киши иш билан таъминланган, бу эса банд аҳолининг 16 фоизини ташкил қилади. Ушбу соҳа қорхоналарига тижорат банклари томонидан 7,5 миллиард сўмлик бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан эса 350 миллион сўмлик кредит берилди. Шунингдек, олти лойиҳани амалга ошириш учун 9,3 миллион АҚШ доллари ажратилди. Бирок кичик ва ўрта бизнес ҳам ашё ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш, маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда сотиш учун керакли шароитларни яратиш борасида ёрдамга муҳтож.

Йилгиликда қурилиш маъмуаси, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ислохотларнинг бориши таҳлил қилинди, шаҳар ҳўжаликни кузги-қишги мавсумга тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди.

Йилгиликда ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасининг раҳбари В. Доромов, Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Р. Пўлатов, «Ўзбеккабель» ҳиссадорлик жамияти раиси С. Муродхўжаев, «Тошкент чинни заводи» ҳиссадорлик жамияти раиси Ф. Раҳматуллаев, «Оникс» ҳиссадорлик жамияти раиси А. Фозилбеков, «Ватан диёри» ҳиссадорлик жамияти раиси Ф. Шўқуров ва бошқаларнинг ахборотлари тингланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Йилгиликда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов иштирок этди.


ИЗҲОР ИФТИХОР

• Дилбар ТҲОҲИРОВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган сановат ходими: — Фахрланмай, гуруланмай бўладими?! Айниқса, Мустақиллик йилларида аёлларимиз эътибор, ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлмоқда. Хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётида тугган ўрни тобора ортиб бормоқда. Барчага маълумки, она бахти фарзанди камолда. Уғил-қизларимизнинг етук, баркамол инсонлар бўлишлари учун Президентимиз, ҳукуматимиз катта ғамхўрликлар қилмоқда. Биргина Соғлом авлод йилида аёлларимиз, фарзандларимизнинг соғлиқларини мустақамлашга берилаётган эътибор барчамизни мамнун этади. Мустақиллик мен учун яна шуниси билан қадрлики, меҳнатим муносиб баҳо олди. Менга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган сановат ходими» фахрий унвони берилди. Халқим, ишлаётган жамоам, oilман олдида озим ёруғ бўлди.

• Мухаррам ИБРОҲИМОВА, ёгоч ўймаkori: — 5 ёшимдан буён мана шу ҳунар билан шуғулланаман. Максадим ўзбек аёлининг қўли гуллигини жаҳонга кўрсатиш эди. Истиклол туғайли ана шу ниятimgа етдим. Бугун мен ва шогирдларимнинг санъатларини — тайёрлаган маҳсулотларини чет элликлар ҳам қўриб, ҳавас қилишмоқда. Маҳсулотларимиз Япония, Малайзия, Бангладеш ва бошқа хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Менинг ўзим эса бир нечта хориж мамлакатларида бўлиб кўргазмаларда муваффақият билан маҳсулотларимни намойиш етдим. Мустақиллигимизнинг 9 йиллигини эса А. Икромов туманида ўтказилган «Ташаббус-2000» танловининг «Энг яхши ҳунарманди» номи билан қўтиб олаётганимдан мамнунман. Истарадимки, юртимдан гурурланай деган инсон истиқлолимиз абадийлигига, мамлакатимиз раванқига ўз улшини қўшим.

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИВ БАЙРАМ



Ўзбекистон
Мустақиллигининг
9
йиллиги олдида



ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БУЮҚ НЕЪМАТ



Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилди

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ — ФАРОВОНЛИК ПЙДЕВОРИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришига бағишланган мажлисидаги сўзлаган маърузалари пойтахтимизда меҳнат қилаётган турли соҳа ходимларини ўзларининг бундан бунёнги вазибаларини аниқ белгилаб олишга ундади.

• Холмирза МАТКАРИМОВ, Қimmatли қозғалар Давлат марказий депозитарийси ахборот ва наشريёт бўлими 1-тонфала мутахассиси: — Жамоамизда бўлиб ўтган навбатдан ташқари йилгиликда Президентимизнинг маърузаси ва унда олға сурилган улғувор вазибалари атрафлича муҳокама қилинди. Унда фойдаланиши лозим бўлган имкониятлар ҳақида гапирилди.

Иқтисодий эркинлаштириш фаровонлик пойдевори эканлигини маърузани ўрганиб, чуқур англаган жамоамиз ишчи-хизматчилари Юртбошимиз даъватига депозитарий хизмати кўрсатиш юмушларини янада такомиллаштирган ҳолда жаҳон андозалари даражасига кўтариш билан жавоб беришга ақд қилдилар. Бунинг учун йилгиликда Фирмулоҳазалар билдирилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

• Сўхроб Йўлдошев, тадбиркор: — Мустақилликка эришганимиздан бунён Президентимиз ва ҳукуматимиз тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратмоқдалар. Қатор Фармон ва қарорлар ва айниқса «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини

кафолатлари тўғрисида»-ги Қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустақамланди. Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, «Тадбиркорликни рағбатлантирувчи, уни кафолатлайдиган қўли тизим яратилди.

Биз тадбиркорлар, албатта бундай шарт-шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, мамлакатимиз иқтисодиёти раванқига муносиб улўш қўшимиз лозимлигини Юртбошимизнинг айтган сўзларидан янада яққол англадим.

«Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бугунги кунда биз учун қайт-мамот масаласи, давс янгилишмаймиз», деб таъкидлади Президентимиз. Биз бундан тўри фойдаланиб, чўққоғимиз, ўзимиз ишлаб чиқараётган рақобатбардор маҳсулотларимиз билан ҳам мамлакатимизни бойитиб, ҳам уни жаҳонга танитишда муҳим ҳисса қўшимизга даркор.

Шарофат БАҲРОМОВА ёзиб олди.

Футбол

«БИЗ — «ПАХТАКОР» КЕЛАЖАГИМИЗ»

Футбол — бу спорт турининг энг оммавий ва жозибали ўйини ҳисобланади. Шу сабаб ҳам жондонда бу спорт турига қизиқиш катта. Мамлакатимизда футбол янада ривожлантирилиши учун кенг тарғиб қилиш борасида бир қатор хайрли ишлар олиб боришмоқда.

Жумладан айни кўнларда шаҳримизда ёш болалар ва ўсмирлар ўртасида иқтисодий

ўюшмалари қўмитаси раиси Зинёд Хакимов. — Тўғриси, бизнинг «Миришкор» маҳалламиз жамоаси финалда фахрли учинчи ўрнини эгаллаганлигини ўзи менда ва бошқа маҳалладошларимизда фахр ҳиссини уйдотди. Шу сабаб ҳам заводиимиз раҳбарини уларга қimmatбах соғиналар ажратиб, ёш футболчиларимизнинг шодлигини шодлик қўшди. Биз бу ёшларимиздан келажақда ўзбек футболини жаҳон футбол майдонларига олиб чиқишга ишонч билдириб қоламан.

Очлик ХАЗРАТОВ.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАБЛАҒЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРААР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Республика вилоятлари марказида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил биринчи ярми яқунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги Президент маърузасидан келиб чиқадиган вазибаларга бағишланган йилгиликлар бўлиб ўтмоқда.

• Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Оила» илмий-амалий маркази «Миллий истиқлол мафқураси — оила фаровонлиги кафолати» мавзусида анжуман ўтказди. Унда халқимиз, айниқса, ёшлар ҳамда хотин-қизлар қалби ва онгига миллий мафқураимизни маъно-моҳиятини синдириш, уни умумшаарий қадриятлар билан янада бойитиш ва шу орқали миллий гурур, ватанпарварлик ва ифтихор туғуларини шакллантириш борасидаги масалалар муҳокама этилди.

• Тошкентдаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда партиянинг Олий Мажлисидаги фракцияси депутатларининг кўшма йилгилиги бўлди. Унда Мустақиллигимизнинг 9 йиллигига тайёргарлик қўриш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

• Қишлоқ ва сува ҳўжалик вазирига «Асал» уюшмасининг жорий йил биринчи ярми яқунлари ва талғатли вазибаларга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

• Қозғалар Навоий шаҳрида республика шонлигини Тиббий-илмий маркази вилоят бўлими фойдаланишига топширилди.

• Тошкент — Андижон — Уш автомагистралининг 339—360 километрларида Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги байрамига бағишланган республика курик-танлови бўлиб ўтмоқда. Унда Бўхоро, Сирдарё, Навоий, Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларидаги йўлсозлик бошқармалари фаол қатнашмоқда.

• Паркент туманида Тошкент вилояти ижодкорларининг мамлакатимиз Мустақиллигининг 9 йиллик байрамига бағишланган «Энг улўғ, энг азиз» анъанавий курик-танлови бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Енгил ва мебель сановати, коммунал май-

ший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси томонидан Тошкент шаҳар «Сувсоз» трестиде ҳуқуқий саводхонлик мавзусига бағишланган семинар-кенгаш ташкил этилди.

• Кеча Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўргазмалар залида ранг-тасвирчи rassомлар Ғофур Абдураҳмонов ва Ҳикмат Жалиловларнинг шахсий кўргазмалари очилди.

• Бастакорлар уюшмаси хўжайятининг кенгайтирилган йилгиликда республика Мустақиллигининг 9 йиллиги ва Ўзбекистон кўшиқ байрамига тайёргарлик масалалари кўрилди.

• Тошкент шаҳрида 1985-86 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида дзюдо кураши бўйича республика биринчилиги нирҳосига етди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Москвада Россия Президенти Владимир Путин ва Қирғизистон Президенти Аскар Акаев ўртасида яқин ўн йилликда иқтисодий ҳамкорлик бўйича шартномага имзо чекилди.

• Бугун Танилдан пойтахтда Осиё-Тинч уммони давлатлари уюшмаси — АСЕАнга аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазибаларининг йиллик учрашуви бошланди.

• БМТ Бош қотиби Кофи Аннан дунё давлатларини қуролли можароларининг олдини олишга қаратилган сай-ҳаракатларини янада қучайтиришга чакирди.

• Кеча Ливан пойтахтида мамлакатнинг жанубий ҳудудлари иқтисодиётини тиклаш масаласи бўйича халқаро анжуман бошланди.

• Бельгия халқи миллий байрам — Қирғоннинг қасамд қилиш кўнини кенг нишонлади.

• Бишкек шаҳрида Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг навбатдаги анжумани бўлди.

• Белорусияда Бутун жаҳон болалар фестивали ўз ишини бошлади.

• Германиянинг Ганновер шаҳрида ташкил этилган «ЭКСПО-2000» умумжаҳон кўргазмаси шу кўнларда хар қанчонгидан гавжум. Қуйи Саксония федерал вилояти пойтахтида «Инсон. Табиат. Технология» шикори остида ўтказилаётган ушбу нуфузли кўргазмада жаҳоннинг 200 дан зиёд давлати ўз маҳсулоти билан катнашмоқда.

• Молдовада Парламент бошқарувини жорий этиш тўғрисида янги қонун қабул қилинди. Хабарларга қараганда шу ҳафта Президент Пётр Лучински унга имзо чекади.

• Кеча Непалнинг шимолӣ гарбиде ички рейсини бажараётган самолёт портлади. Натихада 25 киши ҳаётдан кўз юмди.

• Кеча Бангладеш пойтахти яқинида сув йўловчи кемаси ҳалокатга учради.



ДАМ ОЛИШ ОҚШОМИДА



Курилиш

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН НИШОНЛАШАДИ

Кейинги йилларда пойтахтимизда жаҳон андозалари даражасида бунёд этилаётган замонавий кўприклар автотранспорт катновига қулайлик яратиш билан бирга шахримиз кўркини ҳам очмоқда. Айниқса, ўтган йили фойдаланишга топширилган «Юнусов» ва «Кўйлик» кўприклари бугунги кунда қулайлиги билан ажралиб турибди.

Ана шундай кўприклар қаторида бунёд этилаётган Аҳмад Дониш ва Халқлар Дўстлиги кўчаларидаги иншоотлар ҳам ҳадемай фойдаланишга топширилиб бунёд катновчиларини мамнун этиши, шубҳасиз. Маълумки, Халқлар дўстлиги кўчаси бўйлаб «Отчолар» бозорига қатнашда транспорт катнови ҳамиса тирбанд бўлади. Хозирда лойиҳа асосида бунёд этилаётган кўприк «Эркин» Давлат автомобиль назорати масканига зайтирилади. Қад ростлаётган кўприк беда барги шаклида бўлиб, унда асосий халқа йўл, 2 та маҳаллий йўналишдаги йўл, ҳамда Катортөл ва «Гавҳар» кўчаларини туташтирувчи 250 метрлик эстакада, шунингдек ер ости йўллари ҳам қуришмоқда. Кўприкнинг эни 20 метрни ташкил этади.

Айни кунларда ушбу қурилиш майдонида «Кўприкқурилиш» трестининг 13,67,68-кўприкқурилиш отряди кўприкқурилиш ҳамда йўл қурилишида «Автойўл» бошқармаси ва «Тошйўлқурилиш» трести йўлқурилиш меҳнат қилишмоқда. Уларнинг саб-ҳаракатлари билан кўприкнинг асосий қисмида қурилиш-тиклаш ишлари амалга ошмоқда.

Кўприкни августнинг бошларида фойдаланишга топшириб, йўл қурувчиларнинг навабдаги ишлари учун қулайлик яратиш ниятимиз, — дейди участка бошлиғи Зокир Темуружаев. — Бугун қурувчиларимизнинг ғайрати шунга яраша бўлмоқда. Халқимизда «Кўприк қурган савобга қолади» деган гап бор. Бундай савоб ишга бел боғлаган тажрибали кўприкқурилиш сифати ва мустаҳкам иш бажаришга интилоқда. Айниқса, Толиб Азимов, Ринат Хабиров, Баҳром Назаров сингари ишчиларимизнинг бугунги ғайратларини таъкидлаб айтиш лозим. Биз учун энг муҳими эса қурилиш мате-

риалларнинг ўз вақтида келтирилиши, ундан унумли, оқилона фойдаланиш эса қурувчиларимизга боғлиқ.

13 метрга кенгайтирилиб, қайта қурилаётган йўл ҳар томонлама қулай бўлиши лойиҳада кўзда тутилган. Бугун мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келиб шу ерда тижорат билан шугулланувчи аҳолининг қулайлиги таъминланиб, вақтлари ҳам тежалди. Чунки бу кўча қайта қурилган транспорт тирбандлигига барҳам берилмоқда. Муҳими эса бу ердан нафақат шаҳар ичкарисига кириши, балки вилоятларга чиқишда ҳам иқтисодий жиҳатдан қулайлик яратилади.

Бу қулайликларни эрта тонгдан кенга-ча, ёзнинг ҳазирамасига бардош бериб ишлаётган кўприкқурилиш ва йўлқурилиш ишларидаги «Автойўл» бирлашмасининг 150 нафардан ортиқ қурувчиси айни дамда қазил, асфальт ётқизиш, лотокларни ўрнатиш, хатто йўл атрофларини ободонлаштириш ишлари билан ҳам шугулланишмоқда. Замонавий технологиядан унумли фойдаланиш эса иш самардорлигига омил бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Кранчи Йўлдош Худойберганов, бульдозерчи Абдумалик Бурхонов, электр пайвандчи Владимир Сусликовлар ўз меҳнатларидан мамнун. Мустақиллигимизнинг 9 йиллигини замонавий кўпригу раво ёл бунёд этиб, бу билан шахримизни яна бир бор яшатиб, кутиб олиш ниятида меҳнат қилаётган бу қурилиш майдонларидаги ҳар бир кўли гул қурувчи яхши кайфият, эзгу ният билан меҳнат қилаётти. Байрамни ёруғ юз билан кутиб олиш уларнинг асл мақсадидир.

Шарифа ИЛЁСОВА.
СУРАТЛАРДА: кўприк ва йўл қурилишидан лавҳалар акс этган.
Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.



НАСТАРИН ХОСИЯТИ

Чаманга чирой бағишлаган манзарали дарахлардан бири — настариндир. Настарин кичик дарахт ёхуд бута бўлиб, мойиллар оиласига мансуб. Илдизи кучли тараққий этган. Настарин баланглиги 2 метрдан то 7 метргача боради. Барглари туҳумсимон, узунлиги 5-10 сантиметр, эни эса 3-6 сантиметр бўлиб силлиқлашган, ёрқин яшил тусда. Гуллари хуш бўй, тўртта тўртта симон яшил косача, оқ пушти бўлади. Май ойида гуллади, меваси июлда пишиб етилади. Настарин боғларда манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Шу билан бирга унинг шифобахш хосиятлари ҳам бор. Унинг асосан барги ва гулла-

ри халқ табобатида қадрланади. Гулларнинг кимёвий таркибида аччиқ фенил гликозид, сирингин, сиринготекрин, афир мойи, фарнезол каби моддалар сақлайди. Илдиз пўстлоғида, баргида сирингин моддаси бор. Халқ табобатида барг даммаси буйрак хасталиқларида, буйракда тош пайдо бўлганда наф беради. Гуллари даммаси шамоллаганда, иситма бўлганда наф беради. Гуллари даммаси шамоллаганда, иситма туширувчи, ел ҳайдовчи омил сифатида ишлатилади. Барги майдаланиб йирингли яраларга қўйилса, малҳам бўла олади. Туйилган гуллари билан сарёғни тенг миқдорда олиб, суртма тайёрланади. Бу эса бод (ревматизм), бўгин оғриқлари (артрит), бўғим (газак)да

оғриқ қолдириш учун фойдаланилади. Настарин энгил йўталда, пешоб ҳайдовчи, ич кетганда, бронхит, пневмония, юқори нафас йўллари шамоллаганда, ўпка сили хасталигида, беланги, пешоб пуфағи шамоллаганда яхши наф беради. Халқ орасида шундай ривоят юради: «Мабодо ҳар кимса настариннинг бешталиқ палла гуллари шохчаларини топган бўлса, қандайдир бахтли ҳодиса кутади». Мана настарин гуллари билан қизлар ундан «бахт»ни қидиришади, нияти амалга ошармиш.

Илоҳим, ҳамманнинг муродиға, ниятиға етказсин. Настарини албатта шифокор маслаҳатиға кўра қўллаш керак.
Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Мустақиллик, озодлик, истиқлол. Бу сўзлар мана тўққиз йилдирки халқимиз тилида, дилида фахр ва ифтихор туйғулари ила янграмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек «Мустақиллик бизга ўз маданияти ва анъаналарини, қадр-қиммати, дини ва эътиқодини, она тили ва маънавиятини қайта тиклаш имконини берди».

Маълумки, бугунги порлок ва фаровон турмушимиз неча минглаб адабиётимиз, санъатимиз, маданиятимиз заҳматкашлари, таниқли намояндаларнинг тўқилган қони эвазига бунёд бўлди. Мустақилликка эришган динимиз, миллий қадриятларимиз қайта тикланди, эъозланди. Бу кунларни қанчалар орзу қилган улуг сиймоларимиз, яъни адабиётимиз, санъатимиз фидойилари афсус, бу ёруғ кунларни қуролмадилар. Уларнинг номларини бугунги кунда хотирламай, тилга олмай бўладими. Санъатимизнинг буюқ даргалари бўлиш Аброр Хидоят, Етим Бобожонов, Сора Эшонтураева, Лутфи-хоним Саримсоқова, Муқаррама Турғунбоева, Олим Хўжаев, таниқли музикашуносларимиз Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов... Эҳ-ҳе, буларнинг номларини айтиб адоғига етиб бўлмайди. Бу азиз ва улуг сиймоларнинг адабиётимиз ва санъатимиз йўлида чеккан заҳматлари, бизга қолдирган бой ва олтин мерослари ҳозирги кунда юксак

қадрланмоқда, эъозланмоқда. Мустақиллик туйғулари нафақат юртимизни, балки адабиётимиз, санъатимиз, қолаверса, спортимизни жаҳон тан олмақда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда қўллаб-халқаро санъат фестиваллари, кўрик-танловлар ўтказиб келинаётгани ҳам истиқлол ша-рофатидандир. Бугун бизни бутун дунё танимоқда, тан

ният ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. «Барҳаёт сиймолар» туркумида ўтказилаётган бадиий-музика анжуманларнинг навабдагиси машҳур хонанда, бастакор, Ўзбекистон халқ ҳофиси, профессор Фаттоҳон Мамадалиев ва Ўзбекистон халқ артисти, таниқли бастакор Комилжон Жабборовнинг ёрқин хотираларига бағишланди. Унда ха-

Тадбирлар

олмоқда. Санъатимиз йилдан йилга юксалиб бормоқда. Айниқса, ўзбек кўшиқлари, ўзбек музикаси дунёдаги барча китъаларда янграмоқда. Хозирги кунда санъатимизни юксак чўққиларга кўтаришда улкан ҳисса қўшган машҳур хонанда, бастакор, халқ ҳофизларини халқимиз доимо ҳурмат билан эслаб, улар хотирасига бағишлаб адабиётимизнинг кечалар ўтказиб келмоқда. Жумладан, мана шундай хотира кечаларидан бири кунг кеча шахримизнинг энг кўркям ва сўлим гўшаларидан бири Мирзо Улугбек номли мада-

лқимизнинг сеvimли санъаткорлари, адабиётшунос, музикашунос олимлар, жамоатчилик вакиллари, устозларнинг оила аъзолари, дўстлари ҳамда шоғирдлари иштирок этдилар. Муқтор Ашрафий номидagi Тошкент Давлат консерваториясининг ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Равайн Юнусов устоз санъаткор Ф. Мамадалиев ҳаёти ва ижоди ҳақида қизиқарли маъруза қилди. Шунингдек, кечда халқимизнинг сеvimли адабиётшунос олимаси Суюма Ганиева

ҲИҚОЯТ

Шайх Шибли бир кун ма-чигга борди ва икки ракат номоз ўқиб бир оз вақт оёқини тоғди. Ул мачигда ёш ўғлонлар жам бўлиб китоб ўқий эдилар. Ўғлонларнинг таом ёлди-гон вақтлари бўлиб қолди. Буларнинг орасида бир бойнинг ўғли ҳам бор эди. Бойнинг ўғли олдида қурук ног эрдик. Бойнинг ўғли ҳолово эрдик, фақирнинг ўғли ундан ҳолово тилиди. Бойнинг ўғли унга деди: «Агар ҳолово емат тилсанг, меннинг итим бўл, шундан сўнг ҳолово берурман». Фақирнинг ўғли деди: «Мен сенинг итинман!» Бойнинг ўғли деди: «Шундоқ бўлса итдек хурғил». У бечора ит янглик хурди, шундан кейин бойнинг ўғли бир бўлак ҳолово берди. У хар вақт итдек хурди ва бир бўлак ҳолово оларди. Шайх Шибли хар вақт уларга қараб йилларди. Бир кун мушкларни ундан сўрадилар: «Эй Шайх, не вақтин йилларсан?» Шайх деди: «Кўрингларки, беканоатлик ва таъмағирлик одамнинг бошига на савдоларни солур. Агар бу ўғлон қурук ногна қаноати бўлиб, ундан ҳолово тиламаса эрди, ўзидек бир ўғлоннинг ити бўлмасди!»
«Кобусномадан»
Шоира МУҲАМЕДОВА
тайёрлади.

Дил изҳори ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР БЎЛСИН

Ҳаётимда яқинларим, биродарларим ва танишларимнинг бошга оғир кун тушганда эътиборсизлик билан ҳамдардлик билдирганимда уларнинг дилига озгина таскин бўлар деб ўйлар эдим. Лекин ҳаётимда энг яқин кишиларимнинг йўқотиб қўйиб даражасига борганимда дунё қорону бўлиб кетар экан.

Яқинда оилам, яъни турмуш ўртомим ва уч ёшлар ўғлим Умиджон билан ёшнинг ёсик қуллари «Мустақиллик» майдонидagi фаворлар атрофида айланиб, дам олиш учун борган эдик. Фавора ёнидан ўтаётганимизда сарғайган сув томчилари иссиқ кунда кишига хуш ёқар, биз бениҳоят хурсанд, кайфиятимиз чоғ эди. Ўғлим Умиджоннинг севиниши кўрсангиз эди... Унинг шодон чопқиллаб фавора атрофида йўнаётганини кўриб, ўзимизда йўқ хурсанд эдик. 15-20 метрлар илгаридида чопқилқай йўнаб кетаётган ўғлим тўстатдан фаворанинг ҳовузига йиқилиб тушди. Юрай деса-сам, юраймайман, қарасам ўғлим сувга чўкпти. Шу пайт тўстатдан қарийча кийимдан йигит ўзини дарҳол сувга отди ва бир шўнгиб болани сувдан олиб телага узатди. Лекин ўзи кийин аҳолида қолди, чунки шу ерда фавора ҳовузи тубида сув сўричи бор экан, катта куч билан қўвурга сув сўри-либ, қайтиб яна фавора бўлиб отилар экан.

Ўғлимни қўлимга олганимда аҳолининг сўз билан айта олмайман, ва уч олдимида қорону бўлган дунё ёна ёришгандек бўлди. Ўғлимни кутқарман деб ўзини сувга ташлаган йигит Тошкент шаҳар Фавқуллода вааянлар бошқармаси ҳузуридаги «Сувдан кутқарувчи» ахалигини кейин англади. Улар кеча-қунда сув ваазалари ва фаворалари атрофида мана шундай тасодифларда ёрдам қўларини чўшага тайёр туришар экан. Оллоҳнинг қудрати билан ўғлимни бир ўлимдан сақлаб қолган, ҳаётимизга мазмун ва бахт ато этишга сабаб бўлган кутқарувчи Тўлқин Маҳмудовга ва унинг сарфдошларига гаезта орқали ўз миннатдорчилигимизни оиламиз номидан доказиб қўйишни сўрайман. Доим оғлиқ, машаққатли ишларидо омад тилаймиз. Иштардимки, ўғлимни Умиджон улғайиб шу кутқарувчи йигитдек мард, доворак, одамлар қорига ярайдиган йигит бўлиб ўсин.

Оиламиз номидан Умиджоннинг дadasи
Собитжон АБДУҚОДИРОВ.

Биз шарқ халқлари, хусусан ўзбеклар қадимдан илм-маърифатли, юксак маънавият ва маданият улуг халқимиз, улуг миллатимиз. Бу билан хар қанча фахрланаск арзийди. Зеро, бунинг ўз теран илдизлари бор албатта.

Ота-боболаримиз, момоларимиз бизга ёшлигимизданок озодлик, покзаллик, сарамжон-сарийшлик, халол ва ҳаром-хариш ҳақида етарли тушунчалар, маълумотлар бериб, уларни имконият даражасида ўзига хос панду насихатлар билан онгимизга синдиришган. Энг асосийси, бу борада ўзлари бетақдор ибрат, намуна қўрсатишган. Ахир, қуш индида кўрганини қилди деб, бежиз айташмаган. Мана, улардан бизгача етиб келган ибратомуз панду насихатлардан айрим намуналар: «Болам, ариқдан оқётган сувга асло туғлама, ахлат ташлама, гуноҳи азим бўлади»; «Оннинг увогини оёкоти қилма, топтама, кўзинг кўр бўлиб қолиши мумкин»; «Остонаси сарамжон-сарийшта жойда фаришта бўлади»; «Уйингни озода, поккиза сақлайман десанг, остонангни тоза тут»; «Онанинг отанга беромдиз кўрсатма» ва ҳ.к.д.

Бу азалий ва ҳаётий тажриба, фалсафа замирида озмонча ҳақиқат борми? Лекин адолат сус ва нафосатли бир бўлсинки, бир ўз ўттиз йилдан ортиқ вақт давомидо истибод даври сиёсати халқимиз бошидан юргизган теғирмон тоши нафақат бизнинг атроф-муҳитимиз, табиятимиз, балки тарбиямиз, одоб-ахлоқимизни ҳам бузди. Очинг, халол ва ҳаромнинг фарқиға бормай қолдик, юриш-туришимизда миллатимиз шаъниға хос ва мос бўлмаган суний хатти-ҳаракатлар, бақана қилиқлар ва одатлар пайдо бўлдик, асти қўверасиз. Оллоҳга минг ҳамду санолар ва шўқлар бўлсинки, мустақиллик шарофати ила гафлат уйқусидан вақтида уйғониб қолдик. Кўзимизни каттароқ очиб, эс-хушимизни бироз йигиб, ўзимизни англаб, босиб ўтган йўлимизға танқидий назар ташласак, иншоолло, хали ҳам кеч эмаслиғи, билиб-билмай қилган гуноҳларимиздан қутилиш имконияти борлиғига имонимиз қомил бўлиб турибмиз.

Мен бу ўз шахсий фикр-мулоҳазаларимни асослаш учун бир-икита ҳаётий кузатишларимдан мисоллар келтирсам. Унинг биринчиси, республикамиз, қолаверса, пойтахтимиздаги эпидемиологик вазият, ахвол хусусида. Бу борада ҳукуматимизнинг тегишли қарорлари чиқарилган, аниқ чора ва тадбирлари бажариш белгиланган, аммо бу чора ва тадбирларни бажариш бу соҳаға мутасадди, масъул ходимлар ва шахслар томонидан мавсумий тус

олмоқда қолос. Бу тадбирларни ўтказиш ва ҳаётға кенг жорий қилишда аҳоли фаол иштирок этмаётир. Биз ҳамон ўзибуларчилик ва боқимандалик кайфиятида яшамокдамиз. Атроф-муҳитимиз, турар жойимиз, остонамизнинг қай даражада озода ва покзаллиғи билан айтарли ишимиз йўқ. Иккинчиси, одамларимизнинг асарияти, айниқса ешлар, уйда, кўчада, транспортда, бозорда ва бошқа жамоат жойларида ўзларини қандай тутиш, нимани қилиш мумкин ва мумкин эмаслиғини билмайдилар.

Еки, сиз хаёлан бўлса-да, ўзингиз ҳозирги кунда яшаб турган жойингиздаги ҳовли, йўлак, маҳалла, мавзедоғи майдон, хиёбон, қўчағ, чанг, тупроқ, ахлат, чиқиндилар ташланган ариқ, анҳорға бир назар ташланг.

Ҳеч мулобағасуз айтиш мумкинки, уюлиб ётган бу чиқиндилар шахримиз хусусиға доғдир. Ахир, ота-боболаримиздан қолган эски, қадимий, ибратли удуларимиз қайқача кетди? Маълумки, жойларда озодагарчилик, тозаллик, саранжом-сарийшталликка эътибор беришда айқунларимиз қайқача кетди? Маълумки, жойларда озодагарчилик, тозаллик, саранжом-сарийшталликка эътибор беришда айқунларимиз қайқача кетди? Маълумки, жойларда озодагарчилик, тозаллик, саранжом-сарийшталликка эътибор беришда айқунларимиз қайқача кетди?



Обод ва раво кўчалар шахримиз хусниға-хусн қўшади.

